



Ислом Нури

Ҳадисада Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитган экан: «Жамоат билан ўқилган намоз сизлардан бирингизнинг ёлғиз ўқиган намозидан йигирма беш марта афзалдир. Тунги фаришталар билан кундузги фаришталар бомдод намози пайтида йифиладилар». Сўнг Абу Ҳурайра: «Агар ҳохласангиз **«Зеро тонгги ўқиши** (яъни, бомдод намози кеча ва кундуз фаришталари) **ҳозир бўладиган намоздир»** (Исро: 78) оятини ўқинглар», деди.

Ҳадисада Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мунофиқларга энг оғир намоз – ҳуфтон ва бомдод намозларидир. Агар бу икки намозда қандай савоб борлигини билишганида эди, эмаклаб бўлса-да келган бўлишар эди. Хоҳлардимки, буюрсам, намозга такбир айтилса, сўнгра



Ислом Нури

бир кишини одамларга намоз ўқиб беришга буюрсам, – ўзим эса – ўтин кўтарган одамлар билан биргаликда жамоат намозига келмаётган кишиларнинг уйларига бориб, устларидан ёқиб юборсам», дедилар.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Усмон розияллоҳу анҳу шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Ким хуфтонни (масжидда) жамоат билан ўқиса, гўё кечанинг ярмини намоз билан ўтказибди ва ким бомдодни жамоат билан ўқиса, гўё кечанинг ҳаммасини намоз билан ўтказибди» деганларини эшитганман.

Имом Муслим Жундаб ибн Суфён розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бомдод намозини ўқиса, у Аллоҳнинг зиммасида (аҳду омонлигига)дир. Аллоҳ сизларни ҳаргиз Ўзининг зиммасидан бирор нарсани зое қилган ҳолингизда топмасин. Зеро, Аллоҳ қай бир кишини Ўзининг зиммасидан бирор нарсани зое қилган топса, уни юзтубан ҳолда жаҳаннамга улоқтиради», дедилар.

Шарҳ:

Бомдод намози тунги ва кундузги амалларимизни ёзиб турадиган Фаришталар ҳозир бўлишадиган улуғ намоз. Ким хуфтон ва бомдод намозларини жамоат билан масжидда ўқиса, кечаси билан бедор бўлиб намоз ўқиб чиқсан одамнинг савобига эришади. Шунингдек бомдодни жамоат билан масжидда ўқиган одам Аллоҳнинг зиммасида – ҳимоясида бўлади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Бомдод намози Фаришталар ҳозир бўладиган фазилатли намоз.
2. Бомдод намози мунофиқларга энг оғир намоз.
3. Бомдодни жамоат билан масжидда ўқиган одам Аллоҳнинг зиммасида бўлади.